

Сайлов — 2016



Сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича тадбирлар дастури тасдиқланди

2016 йилнинг 7 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Видеоқонференцалоқа шаклида ўтказилган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари, сайловда қатнашаётган сиёсий партиялар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарган мажлисда жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари таклифлари асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури лойиҳаси муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, Дастур фуқароларга истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизими, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун, сўнгги йилларда унга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг сайлов масалаларини тартибга солувчи қарорларининг мазмун-моҳияти ҳамда сайловчиларнинг қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини кенг тушунириш ишларини олиб боришни назарда tutади.

Тарғибот тадбирлари давра суҳбати, семинар, учрашув, бевосита мулоқот, конференция, тренинг шаклида, шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали мақола, эшиттириш ва кўрсатувлар эълон қилиш, турли рисола, флаер ва бошқа тарғибот материалларини тайёрлаш орқали амалга оширилади.

Дастурда назарда тутилган тадбирлар аҳолининг кенг қатлами, хусусан, хотин-қизлар, ёшлар, айниқса, биринчи мартаба овоз берувчи фуқаролар, нуронийлар, имконияти чекланган шахслар, ҳарбий хизматчилар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари вакиллари, шунингдек, хориждаги ҳамюртларимизни қамраб олади.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Республика байналмилал маданият маркази ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шерикликда фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва электорал фаоллигини янада ошириш мақсадида "Менинг овозим — Ватаним келажаги", "Мен шахсан ўзим овоз бераман", "Бизнинг оиламизда ҳар биримиз ўз овозимизга эга", "Биз танлаш ҳуқуқига эгамиз", "Сайловчилар рўйхатида бормисиз?", "Ягона оилада" номли турли акцияларни ўтказишни режалаштирмоқда.

Мажлисда, шунингдек, 7-Самарқанд, 9-Сурхондарё, 11-Фарғона округ сайлов комиссиялари раисларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик ишларининг бориши ҳақидаги ахборотлари эшитилди. Округ сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкалари тузилгани қайд этилди. Ҳозирги кунда республика ва хорижда 9376 та сайлов участкаси тузилди. Округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссиялари таркибини шакллантириш ишлари бошлаб юборилди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Қўрилган масалалар юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустақамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида:

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олиншини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгилансин.

Давлат органлари, энг аввало, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалар:

ўз фаолиятида юқорида кўрсатилган талабни ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги тамойилининг сўзсиз амалга оширилишини таъминласинлар;

ўз вазифалари ва ваколатларининг таққидий таҳлили асосида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ҳамда уларга йўл қўймаслик борасидаги чора-тадбирларни такомиллаштиришга ва уларнинг самарадорлигини оширишга доир асосланган таклифларни икки ой муддатда, белгиланган тартибда киритсинлар;

тадбиркорлик фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилишини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевоқиф айдорлардан ундирилишини таъминласинлар.

2. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Комплекс чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик вазирликлар ва идораларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари зиммасига юклансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб:

тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади, юридик шахсларнинг тугатилаётганида, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари бўйича берган мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига

мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар бундан мустасно;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинади;

молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари йўл қўйилган қонунбузарликларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарини қоплаган тақдирда, инсоннинг соғлиги ва ҳаётига зарар етказилган ҳолатлар бундан мустасно, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, жарималар ва молиявий санкциялар (пендан ташқари) қўлланилишдан озод этилади;

ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахслар ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ой муддатда етказилган зарарнинг

ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ва рухсат этилган зарур ҳужжатларни расмийлаштирган тақдирда маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этилади;

тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўлланилмайди;

хорижий инвестициялар иштирокидаги янгидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига уларни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида амалда бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини (ресурс ва божжона тўловлари бундан мустасно) беш йил мобайнида қўллаш ҳуқуқи берилади;

тадбиркорлик субъектлари ҳақамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берган тақдирда давлат бож тўлашдан озод этилади;

(Давоми. Иккинчи бетда)

Сайлов ва сайловчи

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, юридик фанлар доктори, профессор Акмал САЙДОВ билан суҳбат

Демократиянинг амалий ифодаси халқ сиёсий фаоллигининг ҳаётий намунаси



Адлия вазирлигида

Ҳуқуқий таълим

бугуннинг долзарб
вазифаси

Адлия вазирлигида
"Мақтабгача таълим
ва умумий ўрта таълим
муассасаларида
ҳуқуқий таълимнинг
бугунги ҳолати ва
келгусидаги вазифалар"
мавзусида давра
суҳбати ўтказилди.


Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда ҳуқуқшунослар, педагог олимлар, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят халқ таълими тизимида фаолият юритаётган соҳага масъул мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Учрашувда қайд этилганидек, Адлия вазирлигининг иш режасига кўра Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси масъул ходимлари томонидан мақтабгача таълим ва умумий ўрта таълим муассасаларида ҳуқуқ соҳасидаги таълим ишларининг услубий жиҳатдан таъминланиш ҳолати ўрганилиб, таҳлил қилинди.

Бугунги кунда халқ таълими тизимида мавжуд 9692 та умумтаълим мактабларида таълим олаётган 4,6 миллиондан ортиқ ўқувчиларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш учун тегишли билимлар берилмоқда.

Ўрганиш натижалари халқ таълими тизимида ўқувчи-ёшларга ҳуқуқий таълим бериш, уларда миллий ҳуқуқ тизими тўғрисидаги тасаввурни уйғотиш, ҳуқуқий маданияти юксалтириш, қонун ҳар соҳада устувор эканлигини аниқлаш юзасидан қатор ижобий ишлар амалга оширилганини кўрсатмоқда.

Жумладан, "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — инсон ҳуқуқларининг кафолати", "Ҳуқуқий билимлар ойлиги", "Конституция — бахтимиз пойдевори", "Президент асарларини ўрганимиз" каби мавзуларда тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Ушбу



3

ДЕМОКРАТИК ҳуқуқий давлат, очик фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгиларидан бири — фуқароларнинг асосий сиёсий ҳуқуқларидан бўлган сайлов ҳуқуқининг кафолатланганлигидир. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқаро андозалар, юксак демократик принципларга ҳамда замон талабларига мос ва хос бўлган сайлов тизими шаклланди. Барчамизга маълумки, Марказий сайлов комиссияси 2016 йилнинг 9 сентябридан мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланганлигини расман эълон қилди. Қуйида шу муҳим жараён хусусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, юридик фанлар доктори, профессор Акмал САЙДОВ билан журналист Арслон ЭШМУРДОВнинг суҳбатини ҳавола этамиз.



тадбирлар ўқувчи ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ўғил-қизларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилмоқда.

Давра суҳбати иштирокчиларига таълим муассасалари, тадбиркорлик субъектлари, фуқаролик жамияти институтлари фаоллари ўртасида ўтказилган социологик тадқиқотларнинг натижалари тақдим этилди.

Унда қатнашганларнинг 95 фоизи "ҳар доим қонунга риоя қилиш керак", деб таъкидлаган

бўлса, 87 фоизи Конституцияда мустақамлаб қўйилган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билди, 85 фоиз ёшлар ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда адолатга ва ўз ҳуқуқларини тиклашга эришиш мумкинлигига ишонади.

Анжуманда ҳуқуқ соҳасидаги таълим ишларининг услубий жиҳатдан таъминланишини янада такомиллаштириш юзасидан ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар қатнашчилар эътиборига ҳавола этилди.

3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

тадбиркорлик субъектларининг экспорт контрактларини давлат божхона хизмати органларида ҳисобга қўйиш борасидаги талаб валюта назорати органлари томонидан Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими орқали ташқи савдо контрактлари назорати ва мониторингини сақлаб қолиш шарти билан бекор қилинади, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармонининг 1, 2 ва 4-илваларида назарда тутилган то-варларни экспорт қилиш бўйича контракт-лар мустасно;

экспорт қилинаётган товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат илгари худди шундай товар учун айнан сертификат олган аризадаги бир иш кунни мобайнида берилади;

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиси палаталарига қўйидаги асосий вако-латларга эга бўлган Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлиси ҳузуридаги Тадбиркор-лик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш масаласини қўриб чиқиш тавсия этилсин;

тадбиркорлик фаолиятини ривожланти-риш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқла-ри ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;

тадбиркорлик субъектларининг фаолия-ти текширилаётганда уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш;

тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатла-ри нормалари ва талабларининг амалда рўйбга чиқарилаётганлигини ўрганиш;

қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат-ларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсири самарадорлигини баҳолаш;

давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шу-нингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти орган-лари томонидан тадбиркорлик субъектла-рининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари-га риоя этилиши юзасидан назоратни амал-га ошириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазир-лиги, Марказий банки, Давлат солиқ қўми-таси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига қўйидагиларга йўналтирилган асосланган таклифлар киритсинлар:

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш харажатларини қамайтириш, масофа-вий назоратни кенг жорий этиш ва солиқ тўло-чиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш-ни таъминлайдиган солиқ маъмуричилиги си-фати ва самарадорлигини янада яхшилаш;

республиканинг экспорт салоҳияти ўси-шини, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция-ларни фаол жалб этишни ва маҳаллий иш-лаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорда ра-қобатбардошлигини оширишни рағбатлан-тирадиган валютани тартибга солишини ва валюталар курси сиёсатининг илғор бозор механизмларини жорий этиш;

тадбиркорлик субъектлари фаолияти юза-сидан қисқа мuddатли текширишларни та-йинлаш ва ўтказишнинг аниқ ҳуқуқий асосла-ри ҳамда мезонларини назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг камерал назорати самарадорлигини оши-риш орқали текширишларни ўтказиш сони ва мuddатларини қисқартириш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва қонунга итоаткор тадбиркорлик субъектла-рининг барқарор фаолияти кафолатлари-нинг асосий механизмларидан бири сифа-тида аудиторлик ташкилотлари ва солиқ маслаҳатчилари кўрсатаётган хизматлар си-фати ва тақдим этиладиган хулосаларининг ҳаққонийлиги учун жавобгарлиқни қучайти-риш юзасидан улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

банк фаолиятини тартибга солишнинг за-монавий тамойиллари ва механизмларини

жорий этиш, давлат органлари томонидан тижорат банклари фаолиятига, биринчи нав-батда, кредит сиёсатида маъмурий арала-шувларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик;

банкнинг самарали фаолият кўрсатиши-га тўқсинлик қилувчи говларни тугатиш, шу-нингдек, миқозларнинг ўз пул маблағлари-ни эркин тасарруф этиш ҳуқуқи тўлиқ рўёб-га чиқарилишини таъминлаш.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат ар-хитектура ва қурилиш қўмитаси, Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқ-ни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазир-лиги, "Ўзстандарт" агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалик-да уч ой мuddатда:

барча техник талабларни (санитария, эко-логия, шарҳрозлик нормалари ва қоида-лари, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, стан-дартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар ва техник нормативларни) қатъий ўтказ-син ҳамда илғор хорижий тажрибани ино-батга олган ҳолда самарасиз, эскирган ва бозор механизмларининг ўрнини эгаллаб олган нормаларни бартараф этадиган те-гишли норматив ҳужжатларни ишлаб чиқ-синлар ва қабул қилсинлар;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳаси-даги амалдаги норматив ҳужжатлардан мо-неликсиз ва бепул фойдаланиш имконини бериш мақсадида уларнинг ҳақон Интер-нет ахборот тармоғидаги ўз расмий веб-сайтларида жойлаштирилишини ва доимий янгилаб борилишини таъминласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги бош-қа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой мuddатда:

назорат қилувчи органларнинг тадбирко-рлик субъектлари ва уларнинг ходимлари-га нисбатан маъмурий жазоларни қўллаш бо-расидаги функция ва ваколатларини бос-қичма-босқич суд органларига ўтказиш юза-сидан таклифлар киритсинлар;

иқтисодий жиноятлар содир этиш, шунинг-дек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига

ноқонуний аралашуш оқибатида етказилган зарарни аниқлашнинг асосланган ягона ме-зонлари ва асосларини ишлаб чиқсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош проку-ратураси Олий суд, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хиз-мати ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик-лар ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда:

фуқаролар ва тадбиркорларнинг, энг ав-вало, давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга, республиканинг инвести-циявий жозибдорлигини оширишга, шу-нингдек, коррупция тусидаги ҳуқуқбузарлик-ларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга қаратилган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Респуб-ликаси Қонун лойиҳасини;

жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари-нинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оши-риш билан боғлиқ нормаларини янада ли-бераллаштириш бўйича таклифларни;

қонун ҳужжатларига, энг аввало, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашга, тадбир-корлик субъектлари фаолиятига асоссиз ара-лашишга ва уларнинг фаолияти тўхтатиб қўйилишига йўл қўймасликка қаратилган, қўзғатилган жиноят ишлари бўйича молия-ҳўжалик фаолияти текширувларини (тафтиш-ларни) тайинлаш, ўтказиш ва уларнинг мuddатини узайтиришнинг аниқ процессуал тар-тиби белгиланишини назарда тутувчи ўзгар-тиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан так-лифларни белгиланган тартибда киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжа-лик суди тадбиркорлар ҳуқуқларининг суд орқали ишончи ҳимоя қилинишини, шаф-фолик ва ҳолисликни таъминлаш мақсади-да уч ой мuddатда суд мажлисларига аудио ва видео қайд этиш механизмлари босқич-

Ўзбекистон Республикаси Президенти

вазифасини бажарувчи

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 5 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қабул қилинган Фармони, энг аввало, хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш-ни янада қучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қўлай шарт-шароитлар яратишга ва ҳар то-монлама қўллаб-қувватлашга, респуб-ликанинг инвестициявий жозибдорли-гини оширишга йўналтирилган ва ушбу соҳада давлат сиёсатининг сифат жи-ҳатидан янги даражага ўттишдан дало-лат беради.

Хусусан, Фармон "кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашу-ни тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарлик-ларнинг барвақт олди олинишини таъ-минлаш, уларнинг профилатиксиса са-марадорлигини ошириш ва ҳуқуқбу-зарликларга йўл қўйилмаслик"ни энг муҳим устувор йўналиш ва давлат органларининг биринчи даражадаги ва-зифаси сифатида мустаҳкамлайди.

Ушбу мақсадларда давлат органла-рига, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилма-ларга:

ўз фаолиятида белгиланган талаб-ларнинг ҳамда тадбиркорлик субъек-тларининг ҳуқуқлари ва қонуний ман-фаатларини устуворлиги тамойилининг сўзсиз амалга оширилишини таъмин-лаш, шу муносабат билан ўз вазифа-ларини ва ваколатларини танқидий қайта қўриб чиқиш;

тадбиркорлик фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашганлик ва тўқсинлик қилганлик, уларнинг фаолия-тини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари норма-лари талаблари қатъий баҳарлирили-ни, шунингдек, тадбиркорлик субъект-ларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъмин-лаш топширилди.

Ушбу норма давлат органларига айб-дор ходимларга нисбатан нафақат ин-тизомий, маъмурий ёки жиноий жавоб-гарлиқнинг энг қатъий чораларини қўллаш мажбуриятини юклагани қол-

масдан, балки тадбиркорлик субъект-ларига етказилган зарарнинг бевоси-та ушбу ходимлардан ундирилишини таъминлашни ҳам юклайди.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар-нинг амалга оширилиши ноқонуний текширишларни ташкил этишга ва уларни ўтказишга, айниқса, давлат органлари ходимларининг ноқонуний хатти-харажатлари оқибатида тадбир-корлик субъектларининг фаолияти асоссиз тўхтатилишига ва зарар еткази-лишига йўл қўймасликка йўналти-рилган.

Фармонда тадбиркорлик субъектла-ри фаолиятига асоссиз аралашидан ишончли ҳуқуқий кафолатларни таъ-минлашга йўналтирилган давлат нazo-ратининг принципиал жиҳатдан янги бир қатор механизмлари белгиланмоқ-да.

Жумладан, 2017 йилнинг 1 январид-ан бошлаб қўйидаги илгари қўрилма-ган чоралар жорий этилади:

тадбиркорлик субъектлари фаолия-тин режадан ташқари текширишлар-нинг барча турлари бекор қилинади, бундан юридик шахсининг тугатилиши билан боғлиқ текширишлар, шунинг-дек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатла-ри тўғрисидаги мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Рес-публика кенгашининг қарорига муво-фиқ ўтказиладиган қисқа мuddатли тек-ширувлар мустасно;

шунингдек, тадбиркорлик субъект-лари фаолиятини, шу жумладан, жи-ноят ишлари доирасидаги муқобил тек-ширишларнинг барча турлари бекор қилинади.

Шундай қилиб, назорат қилувчи органлар эндиликда режадан ташқари текширишлар ўтказишни ташкил қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бунда фуқаролар-нинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механиз-мларини таъминлаш мақсадида фақат жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатла-ри тўғрисидаги мурожаатлари асосида қисқа мuddатли текширишлар ўткази-нинг чекланган имконияти сақланиб қолади. Бундай текшириш фақат Рес-публика кенгашининг қарорига муво-фиқ ўтказилиши мумкин ва текшириш

мuddати бир иш кунни билан чеклан-ган.

Шу билан бирга, Фармон маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаш-тириш йўлини давом эттириб, молия-ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш-да биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектла-ри ва уларнинг ходимларини ҳамда тад-биркорлик фаолиятини давлат рўйха-тидан ўтказмасдан амалга ошираётган шахсларни, улар томонидан етказил-ган зарарни қоплаган ва ҳуқуқбузили-ш оқибатларини белгиланган мuddат-ларда ихтиёрий бартараф этган тақдир-да, жавобгарлиқнинг барча турларидан озод қилиш каби тубдан янги чора-ларни назарда тутди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўллаш тақиқланган.

Кўрсатиб ўтилган нормалар тадбир-корлик субъектларини икки марта жа-золашни истисно этибгина қолмай, балки биринчи марта ҳуқуқбузарлик-ни содир этган ва ўз айбидни ювган фуқароларга ўзининг тадбиркорлик фаолиятини салбий оқибатларсиз да-вом эттириш имконини беради, бу чора уларнинг ишбилармонлик фаолиги-ни рағбатлантиришга ҳам йўналтирил-ган.

Шу муносабат билан Жиноят кодек-сига, Маъмурий жавобгарлик тўғриси-даги кодексга, Солиқ кодексига ва бир қанча бошқа қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритила-ди.

Республиканинг инвестициявий жо-зибдорлигини ошириш учун хорижий инвестициялар иштирокидаги янгидан ташкил этилган ишлаб чиқариш кор-хоналари беш йил мобайнида улар рўйхатдан ўтказилган санда амалда бўлган солиқ ставкалари ва бошқа маж-бурий тўловларни қўллаш ҳуқуқи бе-рилади.

Шуни қайд этиш зарурки, ушбу им-тиёз инвестиция сифатида киритилган маблағлар миқдоридан қатъи назар хо-рижий инвестициялар иштирокидаги барча корхоналарга таътиб этилади.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунлар иж-

роси устидан Парламент назорати шакллари қучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиси ҳузурида Тадбиркорлик субъект-ларининг ҳуқуқлари ва қонуний ман-фаатларини ҳимоя қилиш бўйича ва-кил институтини ташкил этиш мўлжал-ланмоқда.

Хорижий тажриба шуни кўрсатмоқ-даки, ушбу институт тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш-ни таъминлашда, давлат тузилмалари билан муносабатларда уларнинг ман-фаатларини йоддалашда муҳим ўрин тутди.

Фармон қоидаларини амалда рўёб-га чиқариш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, ху-сусий мулкчиликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик му-ҳитини сифат жиҳатидан яхшилаш бо-расида бешта энг устувор соҳа бўйича 42 та аниқ чора-тадбир амалга ошири-лишини назарда тутувчи Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Хусусан, коррупцияга қарши кура-шишнинг ҳуқуқий асосларини такомил-лаштириш, давлат ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлигидаги маъмурий тўқсинларни бартараф этиш, давлат ресурсларидан фойдаланишнинг оқиллиги ва шаффо-лигини таъминлаш доирасида умумий эътироф этилган халқаро стандартлар асосида бир қатор қонунларни, шу жумладан, "Коррупцияга қарши кура-шиш тўғрисида", "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида", "Давлат харид-лари тўғрисида" ва "Давлат-хусусий шер-иклик тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш назарда тутилмоқда.

Дастурга мувофиқ, жиноят ишлари бўйича текширишларни тайинлаш ва ўтказиш тартибининг аниқ ҳуқуқий тар-тиботини белгилаш учун "Ҳўжалик юри-тувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"-ги Қонунга, Жиноят-процессуал кодек-сига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳўж-жаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тадбиркорлик субъектла-рининг ҳуқуқлари ва қонуний манфа-атларини суд томонидан ҳимоя қилиш-ни қучайтириш чоралари режалашти-рилган.

Ушбу чоранинг амалга оширилиши тадбиркорлик субъектини текширган

қўмаклашдади.

Бундан ташқари, Дастур тадбирко-рлик фаолиятини амалга ошириш бил-лан боғлиқ жиноят қонунчилиги нор-маларини янада эркинлаштириш, жи-ноятлар содир этилиши натижасида ет-казилган зарарни аниқлашнинг, шу-нингдек, тадбиркорлик субъектлари фа-олиятига ноқонуний аралашининг яго-на мезонлари ва асосларини белгилаш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилиш-ни назарда тутди.

Солиққа тортиш тизими ва божго-на иштини такомиллаштириш, респуб-ликанинг инвестициявий жозибдорли-гини ва халқаро рейтингини ошириш соҳасида Дастурда қўйидагиларга йўналтирилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳўжатларни ишлаб чиқишга доир тадбирлар мўлжалланган:

валютани тартибга солиш ва валю-талар курси сиёсатининг илғор бозор механизмларини, банк фаолиятини тар-тибга солишнинг замонавий тамойил-лари ва механизмларини жорий этиш, банк фаолиятини самарали амалга оши-ришга тўқсинлик қилувчи говларни бар-тараф этиш;

солиқ маъмуричилигининг сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш;

тадбиркорлик субъектларининг экс-порт контрактларини божхона орган-ларида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги та-лабни бекор қилиш;

ҳуқуқбузилишларининг олдини олишининг асосий механизмларидан бири ва қонунга итоаткор тадбирко-рлик субъектларининг барқарор фаолия-ти кафолати сифатида аудиторлик таш-килотлари ва солиқ маслаҳатчилари-нинг хизматлар сифати учун жавобгар-лигини ошириш ва улар томонидан тақ-дим этиладиган хулосаларининг ишонч-лилиги юзасидан улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Дастурда тадбиркорлик субъектла-рига ва уларнинг ходимларига нисба-тан маъмурий жазоларни қўллаш бо-расидаги вазифа ва ваколатларни бос-қичма-босқич суд органларига ўтказиш йўли билан тадбиркорлик субъектла-рининг ҳуқуқлари ва қонуний манфа-атларини суд томонидан ҳимоя қилиш-ни қучайтириш чоралари режалашти-рилган.

Ушбу чоранинг амалга оширилиши тадбиркорлик субъектини текширган

ма-босқич жорий этилишини, шунингдек, қабул қилинган суд қарорлари веб-сайтлар-да жойлаштирилишини назарда тутувчи дасту-рнинг ишлаб чиқилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот тех-нологиялари ва коммуникацияларини рив-ожлантириш вазирлиги Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси ҳам-да бошқа манфаатдор вазирликлар ва идо-ралар билан биргаликда Вазирлар Маҳка-масига бир ой мuddатда тадбиркорлик субъектларига фақат давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ягона марказлар орқали "ягона дарча" тамойили асосида кўрсати-ладиган давлат хизматлари рўйхатини кен-гайтириш юзасидан таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия ва-зирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси манфаатдор вазирликлар ва идо-ралар билан биргаликда уч ой мuddатда рухсат бериш тартиб-таомиллари, лицен-зия бериш ва тадбиркорлик фаолияти эр-кинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳўжатларига норматив-ҳуқуқий ҳўжатлар қанчалик мувофиқлигини танқидий ўрганиш асосида Вазирлар Маҳкамасига эскириб қолган ва замонавий талабларга жавоб бер-майдиган рухсат берувчи ҳўжатларни бек-ор қилиш ҳамда рухсат бериш тартиб-та-омилларининг мuddатларини қисқартириш юзасидан таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назо-рат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.С.Азимова ва Ўзбекистон Респуб-ликаси Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зим-маларига юклансин.

назорат қилувчи орган томонидан маъ-мурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни мустақил қўриб чиқиш ва бу орқали маъмурий ишларни қўриб чиқишдаги бетаарфиқ ва ҳолисликка таъсир кўрсатувчи амалиётнинг бартараф эти-лишига йўналтирилган.

Дастур, шунингдек, ҳўжалик судла-ри тизимига суд мажлисларини аудио ва видео қайд этиш механизмларини жорий этиш тадбирларини, қабул қилинган қарорларнинг веб-сайтларда эълон қилинишини, ҳакамлар суди қарорларини мажбурий ижро этишга ижро варақаси бериш тўғрисидаги ари-за беришда тадбиркорлик субъектла-рини давлат божга тўлашдан озод этишни ҳам ўз ичига олади.

"Электрон ҳўкумат" тизимини жо-рий этиш доирасида давлат органла-ри фаолиятида ахборот-коммуника-ция технологияларини жадал ривож-лантириш, тадбиркорлик субъектла-рининг ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлигининг бевосита му-лоқот қилмайдиган шакллари кен-гайтириш бўйича комплекс тадбирлар мўлжалланган.

Хусусан, Дастур тадбиркорлик субъектларига фақат давлат хизматла-ри кўрсатиш бўйича ягона марказлар орқали "ягона дарча" тамойили асоси-да кўрсатилмайдиган давлат хизматлари рўйхатини кенгайтиришни назарда ту-тади.

Шу билан бирга, илғор хорижий таж-рибани инобатга олган ҳолда, техник талаблар (санитария, экология, шаҳар-созлик нормалари ва қоидалари, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, стандартлаш-тириш ва бошқалар) каби махсус нор-матив ҳўжатларни, самарасиз, эскир-ган ва бозор механизмларининг ўрни-ни эгаллаб олган нормаларни бекор қилиш юзасидан танқидий қайта қўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Фармоннинг амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётини барқарор рив-ожлантиришнинг асосий омилли сифа-тида тадбиркорлик фаолиятини ривож-лантириш йўлидаги маъмурий говлар ва сунъий тўқсинларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси-нинг Биринчи Президенти томонидан белгиланган йўлнинг узвийлиги ва ис-чилилигини таъминлаш имконини бера-ди.

Депутат минбари

Халқаро кузатувчиларнинг сайловларда иштироки

САЙЛОВ ҳуқуқи — инсоннинг халқаро эътироф этилган муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Шу маънода фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқлари тўла амалга оширилаётганлиги масаласи халқаро кузатувни тақозо этади.

Сайловларда халқаро кузатув институту — хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан ташкилланган вакиллар (кузатувчилар) орқали тегишли мамлакатда сайловларга тайёргарлик кўрилиши жараёнини, сайловларнинг очик ва ошқорлаш ўтказилишининг таъминланганлигини кузатиб боришдан иборат.

Маълумки, сайловларда халқаро кузатув институту ХХ асрнинг 80-90-йилларида кенг тарқала бошланди. Ушбу институтнинг пайдо бўлиши Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидаги иктомий-сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлса-да, кейинчалик у бутун дунёда тан олинди ҳамда демократик жараёнлар ва умумэтироф этилган инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш, уларга риоя қилинишини таъминлаш борасида муҳим мезонга айланди.

Халқаро кузатув институтининг вужудга келишига Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг (ЕХК) Копенгагенда 1990 йил 29 июнда қабул қилинган ҳужжати ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу ҳужжатда ЕХК иштироки — давлатлари сайловларда хорижий ва маҳаллий кузатувчиларнинг иштироки этишини, сайлов жараёни нуфузини оширишнинг имкони сифатида қараган. Шу сабабли улар ЕХК иштироки билан бўлиши ва ҳоҳиш билдирган ҳар қандай давлат ва ташкилотдан кузатувчиларнинг уларнинг маҳаллий сайловларида иштирок этишлари учун таъкид этилган.

Таъкидлаш лозимки, халқаро кузатувчилар фаолиятига оид ҳужжатларга, энг аввало, **“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”**, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт ва бошқа бир қатор халқаро ҳужжатлари киритиш мумкин.

Шунингдек, халқаро кузатувчиларнинг мақоми ва ваколатини белгилаш юзасидан тавсиялар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2005 йилда қабул қилинган Сайловлар устидан халқаро кузатиш принциплари декларациясида берилган. Унга мувофиқ, халқаро кузатув сайлов ўтказилган мамлакат аҳолисининг манфаатларини, шу билан бирга, халқаро ҳамжамият манфаатларини қўзлаган ҳолда амалга оширилади. Кузатув сай-

лов жараёнига қаратилган бўлиб, овоз бериш натижаларига ўз таъсирини ўтказиши мумкин эмас. Бундан ташқари, кузатувчилар, уларни қабул қилган тегишли мамлакат қонунларини ва сайлов жараёнини бошқариш учун масъул бўлган идораларни ҳурмат қилишлари кераклиги халқаро ҳужжатда аниқ белгилаб қўйилган.

Шунингдек, 2002 йилда Кишиневда МДХ аъзоси бўлган давлатларда Демократик сайлов, сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларни стандартларни тўғрисидаги Конвенция қабул қилинди. Ушбу ҳужжат сайлов соҳасидаги кузатув ва халқаро ҳамкорлиқни таъминлаш учун халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Айтиш лозимки, сайловларда халқаро кузатувга оид қондаларнинг бевосита миллий қончилигимизда акс эттирилганлиги, Ўзбекистонда сайлов тизимининг очик, ошқорлаш ва демократик тамойилларга тўла мос келишини ақол кўрсатиб туради.

Масалан, **“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”**ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов кун овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шунингдек, Қонунда кузатувчиларнинг ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этадиган кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш; сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қўтиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;

овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баённомасини тузишда ҳозир бўлиш;

сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш;

агар сайлов участкасида қонунбузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори комиссияга маълум қилиш.

Шу билан бирга, халқаро кузатувчилар ўзларини тийишлари лозим бўлган қондалар мавжуд бўлиб, миллий қончилигимизда уларга қўйилган қончиликларни тўғрисидаги маълум қилиш.

сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўётган пайтда овоз бериш қабасида бўлиш;

сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёт тарқатиш;

сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга бюллетенга белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан, сайлов қўтиларини муҳрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралаштириш.

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрь кунини бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқаро кузатувчиларнинг иштирок этиши учун барча чоралар кўрилмади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросига, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитасига, Шанқай ҳамкорлик ташкилотига, Ислам ҳамкорлиги ташкилотига ва Бутунжаҳон сайлов органлари асоциациясига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг халқаро кузатувига иштирок этиш учун расман таклифномалар юборди.

Таъкидлаш лозимки, юртимизда ўтказилган сайловларда дунёнинг турли мамлакатларидан кузатувчиларнинг келиб иштирок этиши, сайловларни сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтади, сайлов жараёнининг очик ва ошқоралиги, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан тенг ва эркин фойдаланишлари учун Ўзбекистонда яратилган шароитлар ҳақида бутун дунё ҳамжамияти ҳолис хабар топади.

Жаҳонгир ШИРИНОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Хусусан, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришни ўз ичига олган кўргазмалар воситалар (плакатлар, мультимедия материаллари, ўқув адабиётлари) яратиш, умумтаълим мактабларининг ўқув режасига “Инсон ҳуқуқлари” фани киритилиши муносабати билан 1999 йил 16 августда Вазиirlар Маҳкамасининг **“Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”**ги қарорига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш ҳамда ўқувчиларни зарур бўлган қонун ва қонунчилик ҳужжатларининг моҳияти билан таништириш бориш мақсадида Давлат ва ҳуқуқ асослари фани дарсликларини ҳар 2 йилда нашр этилишини ташкил этиш, бу борада тегишли ҳужжатларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш каби бир қатор тавсиялар шулар жумласидандир.

Давра суҳбатидида муҳокама этилган масалаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан ҳамкорликда амалга ошириладиган вазифалар белгилаб олинди.

Ойбек ҚАЮМОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Хуқуқий таълим

бугуннинг
долзарб
вазифаси

Адлия аралашгач...

Ўз вақтида тўланмаган маошга қўшимча маънавий зарар ҳам ундирилди

АНДИЖОН ВИЛОЯТ адлия бошқармасига жорий йилнинг ўтган 9 ойн давомида фуқароларнинг ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини бузилиши тўғрисида 96 та мурожаат келиб тушган, шундан 36 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилиб, 19 та мурожаат ҳолисона ва ҳар томонлама кўриб чиқилиб, қаноатлантирилди. Шунингдек, бошқарманинг “Ишонч телефони”га келиб тушган 14 та мурожаатдан 11 таси тўлиқ қаноатлантирилди.

Шу билан бирга, фуқароларнинг мурожаати асосида уларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судларга 64 та 24 миллион сўмлик иш ҳақи ҳамда мансабдор шахслардан маънавий зарар ундириш бўйича даъво аризалар киритилди. Киритилган даъво аризалар натижасида 24 миллион сўмдан ортқ иш ҳақи ва мансабдор шахслардан 1.145.000 минг сўмлик маънавий зарар ундиришга эришилди.

Масалан, Марҳамат туманида яшовчи фуқаро М.Аскаронанинг 191.047 сўм нафақа пули Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Марҳамат туман бўлими томонидан тўлаб

берилмаётганлиги юзасидан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Андижон вилоят бошқармасига тақдимнома киритилиб, фуқаро М.Аскаронига 191.047 сўм нафақа пули ундирилиб, айбдор ходимга нисбатан “хайфсан” интизомий жазо чораси қўрилди.

Шунингдек, Асака туманида яшовчи фуқаро Р.Хусановнинг фарзанди Б.Хусановга 254.730 сўм ногиронлик нафақа пули Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Асака туман бўлими томонидан тўланмаётганлигидан норози бўлиб ёзган аризаси ўрганилиб, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Андижон вилоят бошқармасига тақдимнома киритилди. Ва фуқаро Б.Хусановга 254.730 сўм тўланмай қолган ногиронлик нафақа пули ундириб берилди.

Шу билан бирга, ҳисобот даврида бошқарманинг “Ишонч телефони”га 14 та мурожаат келиб тушган. Кўриб чиқилган мурожаатларнинг 11 таси қаноатлантирилиб, 2 тасига ҳуқуқий тушунтириш ва 1 таси таълуқчилиги бўйича бошқа вилоятга юборилди.

Жумладан, Улугнор туманида яшовчи фуқаро З.Нематовнинг Андижон вилоят “Сувоқава” ДУҚдан иш ҳақларини узоқ вақтдан буён ололмаётганлигидан норози бўлиб, бошқарманинг “Ишонч телефони”га қилган мурожаати ўрганилиб, 64 нафар ишчи ходимларнинг манфаатини қўлаб, фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманларо содига даъво ариза киритилди. Суднинг ҳал қилув қарори билан 24.803.903 сўм асосий иш ҳақидан бўлган қарздорлик ҳамда 1.145.000 сўм маънавий зарар ундириб берилди.

Бир сўз билан айтганда, бу йўналишда амалга оширилган ишларимиздан қўзланган мақсад битта — қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш. Зеро, қонун устуворлиги таъминланган жамиятда тараққиёт бардавом бўлади.

Хайрулло АХМЕДОВ,
Андижон вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими

Демократиянинг амалий ифодаси

халқ сиёсий фаоллигининг ҳаётий намунаси

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

— **Хурматли Акмал Холматович, дастлаб демократик ҳуқуқий давлат, очик фуқаролик жамияти шароитида фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқи, шундан келиб чиқиб, умуман сайловнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни, аҳамияти ҳақида гапириб берсангиз.**

— Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан мустақилликнинг ilk давридан бошлаб демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ислохотларни изчил ва қатъий, узвий ва босқичма-босқич амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бу борадаги энг устувор мақсадларимиздан бўлиб, айни масалаларнинг ҳуқуқий ечимлари Конституция ва қонунларимизда ўз аксини топган.

Сайлов ҳақида сўз борганда, авваламбор, ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлатда мунтазам ўтказилган сайловлар айнан демократик ҳақда адолатли жамиятнинг ажралмас йўдоши ва ўзига хос белгисидир. Чунки демократия — бу халқ ҳокимияти, демократия. Халқ эса, Конституциямиз талабига кўра, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи ҳисобланади.

Сайлаш ва сайланиш — инсоннинг конституциявий сиёсий ҳуқуқларига қиради 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси сайлов ҳуқуқининг мустаҳкам юридик пойдеворидир. Бош Қомусимизнинг 32-моддасида белгиланганидек, **“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар”**.

Асосий Қонунимизнинг 117-моддасида фуқароларимизнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан қаноатланиши қайд этилган. Сайловлар умумий, тенг, тўғриван-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яшрин овоз бериш йўли билан ўтказилиши аниқ белгилаб қўйилган.

Бошқача айтганда, **сайловлар халқ хоҳиш-иродасини ифода этишининг асосий йўлларида биридир**. Сайловлар демократик тузумнинг негизини ташкил этади. Шу маънода, истиқлол йилларида юртимизда қалқол ҳуқуқ андазалари ва талабларига, илгор хорижий юридик тажрибага, миллий тарихий анъаналаримиз ҳамда орттирилган замонавий ижобий амалиётга мос мустаҳкам сайлов қончилигини тизимий яратилган гоятда аҳамиятлидир. Олдимизда турган асосий вазифа мавжуд миллий сайлов қончилигини нормаларини бўлажақ Президент сайловидида яна бир бор ҳаётга изчил ва самарали таътиб этишдан иборат.

— **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг ҳуқуқий асослари, сайловга тайёргарлик кўриш ва бевосита сайлов жараёнидаги очиклик, ошқоралик, шаффофлик билан боғлиқ демократик нормалар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

— Жорий йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Президент сайловининг муҳимлиги шундаки, ушбу тадбирнинг амалга ошириш билан халқимиз ўз олдида қўйган мақсадларига, қабул қилинган Конституцияга, демократик жамият қуриш борасида амалга ошираётган ислохотларига, энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти белгиланган берган миллий тараққиёт йўлига содиқлигини дунё ҳамжамияти олдида яна бир бор намойиш этади.

Президент сайловини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари масъулдир. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари қонуний



Сайлов қончилиги ва амалиёти, умуман, мамлакатимизда сиёсий соҳада амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг асосий тамойиллари қаторига қуйидаги бешта принциплар киритиш ўринлидир: биринчидан, ислохотларнинг миллий манфаатларимизга мослиги, мустақиллигимизни ҳимоя қилишга қаратилганлиги;

иккинчидан, аста-секинлик билан, босқичма-босқич ҳаракат қилиш; учинчидан, демократик ўзгаришлар даражасининг халқ руҳиятига, менталитетига мослиги; тўртинчидан, тарихий-миллий тажрибага таяниш; бешинчидан, халқаро ҳуқуқ андазалари ва талабларини эътиборга олиш.

лик, коллегиялик, ошқоралик, мустақиллик, адолатлиликдан иборат.

Ҳозирги сайлов жараёнида ҳам Марказий сайлов комиссиясининг бутун фаолияти сайлов тизимининг демократик принципларини амалга оширишга қўмқлашишга, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашга йўналтирилганга ҳар биримиз гувоҳ бўлиб туримиз.

— **Акмал Холматович, алоҳида эътироф этиш керак, истиқлол йилларида сайловларни ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича ижобий амалиёт шаклланди. Сиз ҳуқуқшунос олим сифатида имконият даражасида сайлов бўйича халқаро тажриба билан Ўзбекистонда вужудга келган миллий амалиётни таққослаб, биздаги сайловнинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларингизни айтиб берсангиз.**

— Бу ўринда, аввало, сайлов қончилиги ва амалиёти Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг узвий таркибий қисми эканига эътибор қаратиш зарур, деб ўйлайман. Бинобарин, мустақиллик йиллари маъмурий-бўйруқбозликка асосланган тоталитаризмдан демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти сари қўйилган ддидил қадамлар даври бўлди.

Сайлов қончилиги ва амалиёти, умуман, мамлакатимизда сиёсий соҳада амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг асосий тамойиллари қаторига қуйидаги бешта принциплар киритиш ўринлидир: **биринчидан, ислохотларнинг миллий манфаатларимизга мослиги, мустақиллигимизни ҳимоя қилишга қаратилганлиги;**

иккинчидан, аста-секинлик билан, босқичма-босқич ҳаракат қилиш;

учинчидан, демократик ўзгаришлар даражасининг халқ руҳиятига, менталитетига мослиги;

тўртинчидан, тарихий-миллий тажрибага таяниш; бешинчидан, халқаро ҳуқуқ андазалари ва талабларини эътиборга олиш.

Сайлов қончилигимизнинг асосий мақсади эса самарали, ишчан вакиллик органларини сайлаш ва бу жараёнда фаол иштирок этадиган фуқароларимиз тизимлида оқсак сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга эга сайловчиларни шакллантиришдан иборат.

Энг муҳими, ўтган даврда Ўзбекистонда сайлов тизими ҳуқуқий асосларда ва конституциявий ўзгаришларда шаклланди ҳамда ривожланди. Миллий сайлов қончилигимиз халқаро стандартлар талабига тўла мос келади. Сайлов қончилигининг амалиётда изчил қўлланилиши мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг таркибий қисми бўлди.

Яқин ўтмиш, яъни собиқ советлар замони билан таққослайдиган бўлсак, юртимизда нафақат сайлов тизими ривожланди, балки халқимизнинг, сайловчиларнинг сайловлар тўғрисидаги қонунчиликка, номзодларга ва партияларга муносабати, сиёсий дунёқараши ҳам тубдан ўзгарди.

Маълумки, фуқароларимизнинг сайлов ҳуқуқидан фойдаланиши уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ. Сайлов ҳуқуқи — ҳар бир фуқаро учундир, аслида. Ундан тўлиқ фойдаланиш имкониятларини яратиб сайлов қончилигининг асосий мақсади, десак, янглишмаймиз.

Сайловлар — бевосита демократиянинг ёрқин намоёни бўлиши, демократия, демократия эса бошдан кечирилган тажрибага, тўлиқ ўзаро келишувга, масъулиятга асосланган тақдирдагина яшайди, ривожланади. Ўз навбатида, демократия — факатгина сайловлар процедураси ёки бошқариш шакли эмас, балки турмуш тарзи ҳамдир. Шу маънода, фуқароларнинг сайлов маданияти, адал-оқибат, миллий турмуш тарзимизга айланиб бораётгани таъжибга лойиқдир.

Буларнинг барчаси бежиз, эмас. Негиз деганда, кейинги йилларда жамиятда сиёсий партияларнинг ролини қучайтириш, омма ўртасидаги мавқеини мустаҳкамлаш ва нуфузини оширишга қаратилган кенг миқёсдаги тадбирлар амалга оширилди. Фуқароларнинг онгу тафаккурида чинакам ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўз келажини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ ҳолда қўради-ган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келмоқда.

Натيجида мустақиллик йилларида фуқароларимизнинг сайловларга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим, жамиятимизнинг барча жаҳалларида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига, демократия, ҳар бир сайловчи тақдирига таъсир қўраётган сиёсий воқеа сифатида ёндашуви кузатишмоқда. Бу — истиқлол даврида эришилган энг катта ютуғимиз, бу — сайловчиларимизнинг сиёсий ва фуқаролик савияси етулигининг, юртдошларимиз ўз ҳаёти, ўз келажигани умумэтироф этилган демократик қадриятлар асосида қуришга қодир эканликларининг яққол намоёнидир.

— **Оммавий ахборот воситаларининг сайлов кампаниясидаги иштироки, унинг ҳуқуқий асослари ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

— Мамлакатимизда сайлов жараёнини ҳолисона ёритиш, кенг жамоатчиликни сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, сиёсий партиялар ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловда дастурлари билан сайловчиларни таништириш, сайловчиларнинг ҳуқуқлари

ва вазифалари, сайловда овоз бериш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг фаолият кўрсатиши қаноатлари, сайлов комиссиялари у ёки бу вазиятда қандай йўл тутиш бўйича методик ёрдам кўрсатиш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва билим даражасини кенгайтиришга қаратилган давра суҳбатлари, семинар ва бошқа анжуманлар ўтказиш, сайлов кампаниясининг барча босқичларида очиклик ва ошқораликни таъминлаш каби вазифаларни ҳал этиш борасида ижобий тажриба тўпланган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда Президент сайлови жараёнининг адолатли, демократик талаблар асосида ўтишини ҳамда сайловчилар ўзларининг бу борадаги ҳуқуқ ва эркинликларини тўла амалга оширишлари таъминлашда оммавий ахборот воситалари муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, оммавий ахборот воситалари томонидан бу муҳим мақсадга эришиш учун юртимизда барча ҳуқуқий ва ташкилий асослар яратилган.

Жорий йилдаги сайлов кампаниясида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Жаҳон” ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, “Uzreport” ахборот агентлиги ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик қуриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш тўғрисида икки томонлама битимлар имзоланди. Ушбу битимлар сайлов тўғрисидаги миллий қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунириш ишларини яқин йўлга қўйишга қаратилган.

Шу маънода, бўлажақ сайлов нафақат эркинлиги, очик ва ошқоралиги, демократик руҳи ҳамда ҳолисалиги билан, айни чоғда, ақсарият сайловчиларнинг бу жараёнлардан ҳар томонлама хабардорлиги, уларга онгли муносабати ва шу тўғрисида сайлов жараёнидаги фаоллиги билан аввалги сайловлардан ажралиб туришига ишончимиз комил.

Хулоса қилиб айтганда, биз демократик давлат қураёмиш, адолатли фуқаролик жамияти асосларини шакллантираёмиш. Сайлов эса демократия кўзгуси, демократия тисмоли, демократия. Шундай экан, Президент сайлови тисмолидаги улкан ижтимоий-сиёсий тадбирнинг очик ва ошқорлаш, сайловда ҳар бир фуқароларимизнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқини рўёбга чиқариш, сайлов тўғрисидаги қонунчилик талабларига қатъий амал қилиниши учун барчамиз бирдек масъулмиз.

